ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ МУЛКЛАРИ: МАНБАЛАРИ, БОШҚАРИЛИШИ, САРФИ (РИВОЯТ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА)

Зокиржон Қутибоев, Бобур Хазиров.

In the history Mavoraunnahr in the XVth century a great leader of the Naqshbandiya way Khoja Ubaydulloh Ahror was a known properter and very kind man. Important information about written sources and myths which gathered according of those properties is given in this article.

Предводитель тариката Накшбандийа в истории Мавераннахра XV века Ходжа Убайдуллах Ахрар был очень крупным землевладельцем и милосердным, щедрым человеком. В настоящей статье на основе письменных источников и преданий приводятся ценные сведения об истории образования этого богатства.

Ривоятларда улуғланган зот. Асрлар оша авлоддан-авлодга кўчиб юрувчи ривоят ва афсоналарда Хожа Аҳрор Валийнинг беҳисоб бойликлари: улкан экинзору поёнсиз яйловлари, сурув-сурув қўйларию йилқилари, уврлари (туя подалари), турли-туман кўчмас мулклари борлиги ҳикоя қилинади. Халқ ўзи ардоқлаган инсонлар ҳақидаги нақл ва ривоятларни доимо эъзозлаб, асраб-авайлаб, сайқал бериб келгуси авлодларга етказади. Шу боис халқ оғзаки ижоди намуналари замирида ҳақиқат борлигига ишончимиз комилдир.

Хожа Аҳрор Валийнинг эл-улусга меҳр-мурувватн чексиз, қалби саховатга тўла эканлигидан шаҳодат берувчи битиклар “маноқиб” ва “мақомат”ларда кўплаб учрайди. Ҳазрати Эшоннинг беназир саховати ҳақида ёзма манбаларда келтирилган ҳикояларга ўтишдан аввал шарқшунос А.П.Комаров 1896 йилда нашр эттирган афсонадан бир лавҳа келтиришни жоиз билдик.

Хожа Убайдуллоҳ Самарқандда истиқомат қила бошлаган бир замонда даҳшатли қаҳатчилик содир бўлганки, қаттол ўлим ва очарчилик балосидан қутулиш мақсадида, оч бўлса-да эркин шаҳар аҳли хоҳиш билдириб, ўзларини Хожа Насриддин (Убайдуллоҳ)га бахшида қилганлар. Ул зот Самарқанд маҳаллаларида дошқозонлар осдириб, уч маҳал шилон қайнатиб, фуқароларни очлик балосидан халос этган. Сўнгра уларга эрк ва ҳурлик берган. Ўша замонларда унга ҳур ва эркин одамлар ҳомийси — Хожа Аҳрор лақаби берилгандир.

Халқ орасида кенг тарқалган нақлларнинг бирида айтилишича, Хожа Аҳрор отининг туёғига олтин тақа қоқтиргани ҳолда, унга ёғоч мих ишлатишни буюрар экан. Олтин тақа тезроқ тушиб қолса, ундан муҳтож одамлар фойдаланса, деган ниятда шу иш қилинар экан. Зотан, исломда ғарибларга пинҳоний хайрия тарғиб қилинади. Ўша қилинган эҳсондан Аллоҳнинг ўзи огоҳ бўлса, кифоядир.

Аллоҳ иноят этган ақл-заковат, тадбиркорлик ва машаққатли меҳнат эвазига йиғилган бойлик Валийнинг наздида эл-улус учун ризқ-рўз, моддий неъмат ҳисобланган. Ўша улкан неъматдан минглаб одамлар баҳра олганлар. Зотан, Хожа Аҳрор Валий “менинг молим фуқаролар учундир” деган халқчил тамойилига бир умр амал қилганлар. Бу деган сўз Ҳазрати Эшон ўз бойликларининг ҳисобини билмаган ва юзлаб одамлар томонидан ўша бойликлар сурункасига талон-тарож қилинган, деган маънони англатмайди. Зеро, Хожа Аҳрор баъзи инсонлардаги боқимандачилик ва истеъмолчилик кайфиятини кескин қоралаган. Хожанинг мулкларида зироат илми асосларини, чорвачиликни, ҳунармандчилигу тижоратни яхши биладиган ҳалол, пок ва садоқатли инсонлар меҳнат қилганлар.

Бошқача айтганда, ўз даври учун улкан хўжаликни бошқаришнинг мукаммал тизими ишлаб чиқилган. Узоқ йиллар давомида Хожа Аҳрор мулкларини бошқариш ишига Мавлоно Шайх раҳбарлик қилган ва кенг ваколатларга эга бўлган. Вилоятларда

саркор бошилар, туман ва мавзеларда саркорлар бошчилигида хўжалик ишлари юритилган. Улар минглаб деҳқонлар, юзлаб турли-туман касб-корли одамлар меҳнатини ташкил этиб, юқори даражадаги самараларга эришганлар. Демак, Хожа Аҳрор ўз касбини яхши биладиган, фаол, ҳалол, ташкилотчи одамларни саркорликка тайин қилган. Ҳазрати Эшоннинг барча мулкларини бошқариш ишларини ҳамда вилоятлардаги саркорларни Мавлоно Шайх назорат қилган.

Қўлёзма манбаларни варақлаганда... "Маноқиби Хожа Аҳрор"да берилган маълумотга қараганда, Ҳазрати Эшоннинг ер мулклари саркорлари Мовароуннаҳрнинг барча ҳудудларидан йиғилишиб, етиштирилган ҳосил ҳақида ҳисоб беришган. Уларнинг ҳар бири 30-40 минг ботмон (ботмон 16 пуд, 262,088 килограмга тенг) ғалла йиққанлиги, улардан ҳеч бири 10 минг ботмондан кам ҳосил йиғмаганлиги ёзилган. Бундан ташқари, боғ-роғлардан, полизлардан ҳам катта даромад олинган. Хожа Аҳрор саркорлардан ёзма ҳисоботлар талаб қилмаган. Лекин **феноменал** хотирага эга бўлган зот берилган ҳисоботларни ўта зийраклик билан тинглаб, тегишли хулосалар чиқарган. Ўз навбатида, Ҳазрати Эшонга нотўғри маълумот бериш саркорларнинг хотирига ҳам келмаган. Зеро, улар Ҳазратга хизмат қилишни ўзларига саодат деб билганлар. Табиийки, мўл ҳосилдан саркорлар ҳам, уни етиштирувчилар ҳам манфаат кўришган. Чунки манфаат йўқ жойда ишнинг унуми, баракаси бўлмайди.

Даҳрийлик мафкураси ҳукмрон бўлган шўролар даврида Хожа Аҳрор бойликларининг тўпланиши хусусида ғайри илмий фикрлар айтилгани ҳолда, ўша мулклар зўравонлик ва адолатсизлик маҳсули сифатида баҳоланган. Ваҳолонки, Хожа Аҳрор тарихига доир тарихий ва агиографик манбаларда, вақф ёрлиқларида бу муаммони холислик ва ҳақиқат мезонлари асосида рўйи рост ёритишга имкон берувчи маълумотлар бордир. Айтиш мумкинки, Хожа Аҳрор ва унинг бойликлари билан боғлиқ бир қатор муаммолар тарихий адабиётларда ўзининг тугал ва ҳаққоний ифодасини топмаган. Ўша муаммоларнинг баъзиларига ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Аксарият тадқиқотларда Хожа Аҳрор фақат ушр (ҳосилнинг ўндан бири) миқдоридаги солиқни тўлаган, холос. У асоратли солиқларни, хусусан, хирожни тўламаган эди, деган фикр илгари сурилади. Хожа Аҳрор етиштирилган ғалла ҳосилидан фақат ушр сифатида Султон Аҳмад мирзо хазинасига 80 минг ман (Бухоро ва Самарқандда бир ман 20 кг бўлган) миқдордаги солиқни тўлаган.

Ваҳолонки, Хожа Аҳрор фаолиятига ўта салбий муносабатда бўлса-да, О.Д.Чеховичнинг эътироф этишича, Ҳазрати Эшон подшоҳ хазинасига **маъунат-и дивонийа ва навоиб-и султонийа, мол-и хирож, ихражот ва такалиф-и дивони каби солиқларни ҳам тўлаган.**

Академик Я.Ғ.Ғуломов XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда оддий деҳқонлар тўлаши мажбур бўлган 11 турдаги солиқларни кўрсатиб ўтган. Ўша солиқлар орасида **таважжухоти хорижий, аворизот** каби фавқулодда тўловлар ҳамда ҳосилни ҳисоб-китоб қилувчи мансабдорлар фойдасига **соҳиб-и жоллион**, солиқ йиғувчилар фойдасига **мухассилона** каби тўловлар ҳам бўлган. Шарқшунос Н.Маҳмудов темурийлар даврида амалдаги солиқларнинг 16 хил бўлганлигини ёзади.

Баъзи ҳолларда турли солиқларни тўлашга қурби етмаган деҳқонлар ўз хоҳишлари билан экинзорларини Хожа Аҳрор ихтиёрига ўтказиб, турли солиқ ва тўловлардан қутулиб қолишган кўринади. Аслида, Хожа Аҳрор ҳисобига ўтган ер мулклар ўз эгалари томонидан бошқарилган. Лекин Хожа Аҳрор ер мулкларининг кўпайишида бундай ҳолатлар асосий омил бўлган, деб айта олмаймиз. Чунки вақфномаларда хайрия қилинган ер мулклари (ниёз кардан) саноқли тарзда учрайди. Вақф ёрлиқларини синчиклаб ўрганиш асосида айтиш мумкинки, Хожа Аҳрор ер мулкларининг кўпайиши сотиб олинган ерлар ҳисобига ортган. Масалан, Ҳазрати Эшон Бухоро вилоятининг **Тавоис**

мавзесида 229 бўлак ер майдони(марзаси)га эга бўлгани ҳолда, уларнинг 222 таси сотиб олинганлиги кўрсатилган.

Хожа Аҳрор подшоҳларнинг ички сиёсат юргизишида, хусусан, солиқ ва тўловлар масаласида инсоф-адолат мезон бўлиши тарафдори эди. Ҳазрати Эшон шариатда белгиланган(ушр, мол, закот)дан ташқари фавқулодда солиқларни меҳнаткашлар гарданига юклатилишига қарши турган. Хожа Аҳрор савдо-сотиқ, тижорат ва косибу ҳунармандлардан олинадиган тамға солиғи ва ёрғунинг шариатга хилоф эканлигини таъкидлагани ҳолда, уни бекор қилишга ҳаракат қилган. Тамғанинг мўғуллардан қолганлигини қуйидаги маълумотлардан билишимиз мумкин. Ҳамидуллоҳ Казвиний «Тарих-и гузида» асарида ёзишича, Қозонхон (1205-1304) даврида вазир Садриддин Аҳмад Холидий ташаббуси билан ўтказилган ислоҳот туфайли ер солиғи **қопчур** шаҳарларда савдо-саноат бўйича солинадиган тамға билан алмаштирилган.

Хожа Аҳрор 1460 йилнинг қаҳратон қишида (8-25 декабрь кунлари) Ҳиротга бориб, Султон Абу Саиддан тижорат солиғи тамғанинг Самарқанд ва Бухорода бекор қилинишини сўраган. Дастлаб Хожа Аҳрорга тегишли бўлган тижорат солиғини бекор қилинишига ҳукмдор розилик билдирган. Ўша пайтда Хожа Аҳрор тижорат аҳлини ва минглаб косибу ҳунармандлар манфаатини ўйлаб, Абу Саиддан яна бир ҳиммат кўрсатишни, яъни салтанатда барча учун тамғанинг бекор қилинишини илтимос қилган. Абу Саид мирзо Мовароуннаҳр ва Хуросонда тамғанинг бекор қилиниши ҳақидаги фармони олийга имзо чеккан. Ундан ғоят мамнун бўлган Хожа Аҳрор: “Аъло ҳазрат ажаб иш қилиб, тамға солиғини ҳамма учун бекор қилибсиз”,- деганларида, Султон Абу Саид: “Мен Хожа ҳазратларининг назарида ҳимматсиз киши бўлиб қолишимни сезиб, шундай фармон чиқардим”,- деган экан. Хожа Аҳрорнинг ҳукмдорлар билан бўлган муносабатидаги нозик лутф ва самимият ғоят ибратлидир. Олий фармон бажарилиши қийин кечган. Чунки кўплаб мансабдорлар солиқ туфайли келадиган мўмай даромаддан маҳрум бўлганлар. Масалан, Аҳмад мирзо Самарқанд шаҳридаги 12 тамғачини йиғиб, фармонни бажариш учун аниқ топшириқлар берган. Шунга қарамай, бу масала теварагида ҳар хил ҳаракатлар ва иғволар бўлган. Бундай ҳаракатларни Хожа ҳазратлари ўз вақтида жиловлаб қўйганлар. Бунинг устига Хожа Аҳрор тамға солиғининг Кичик Осиёда ҳам бекор қилиниши масаласини турк султони олдига қўйган. Профессор А.Н.Болдирев Хожа Аҳрорнинг тамға ва ёғдуни тугатиш борасидаги фаолиятини мутлақо янгича баҳолаб ёзган: “Тамғага қарши кураш йиртқичлик билан халқни таловчи **чингизона** анъаналардан холос бўлиш” демакдир. Ўша сабабли Жомий “Силсилат аз-заххоб” (Олтин занжир) достонида:

У саховат ва ирода қуввати билан.
Чингиз авлоди исқиртидан халос этди бизни,

деб Хожа Аҳрор жасоратини таърифлаган эди.

Хожа Аҳрор ғоят ишбилармон, тадбиркор тижоратчилар раҳнамоси сифатида бутун Мовароуннаҳр музофотида ички савдони, қолаверса, Шарқий Туркистон, Хуросон, Ҳиндистон ва Кичик Осиё билан олиб бориладиган ташқи савдони ҳам ривожлантирган.

Хожа Аҳрорга қарашли савдо карвонлари Амударё орқали Хуросонга бир неча минг харвор (сўзма-сўз “бир эшак юки”, аслида от, хўкиз, хачир ёки эшак юкини англатган. Бир харвор Эронда 288 кг, Туркистонда эса кичик харвор 83,2 кг га тенг бўлган) қоғоз, кунжут, гурунч ва бошқа молларни олиб боришган.

Хожа Аҳрор Алишер Навоийга ёзган мактубларнинг бирида Амударёнинг сўл соҳилига, яъни Хуросонга жўнатилган савдо карвонидан ташвишланаётганини билдиради. Бу карвонда маълум миқдорда қўй ва отларнинг борлиги айтилган.

Савдо-сотиқ масалаларида Хожа Аҳрор нафақат Мовароуннаҳр, балки Хуросон, Ҳиндистонга ҳам савдо карвонларини юбориб, ташқи савдо билан шуғулланган. Ҳазрати Эшон савдо-сотиқ ва тижоратдан келган даромаднинг катта қисмини аҳоли бошига тушган

оғир солиқларни тўлаш, диний-маданий иншоотлар қуриш ва хайру саховат ҳамда мурувват ишларига сарф қилган.

Мана шу нуқтаи назардан олганда, «Манoқиби Хожа Аҳрор»да келтирилган қуйидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Хожа Аҳрор Кичик Осиёга Хожа Мустафо Румий исмли савдогарни карвонбоши қилиб юборган. Хожа Мустафо тижорат ишларини тугатиб, қайтишда 13000 **ашрафи** (Бир ашрафи XIX асрда Бухорода 4,8 гр соф олтинга ва 19 кумуш тангага тенг бўлган) миқдорида маблағ ва кўплаб саноат моллари, матолардан иборат совға саломларни ишончли дўстлардан келтирган. Хожа Аҳрор ўша маблағ ва совғаларни Қарши кўприги қурилиши ва бошқа бунёдкорлик ишларига сарф қилган. Демак, Хожа Аҳрор мамлакат ободлиги, фуқаролар фаровонлигини таъминлашда, савдо-сотиқни ривожлантиришда ҳалол ва соғлом тижоратнинг ўсишига тарафдор бўлган.

Албатта, солиқ ва тўловларнинг адолатли тизимини шакллантириш ҳукмдорларнинг хазинасига тушаётган маблағнинг камайишига олиб келган, муайян маънода молиявий қийинчиликларни ҳам келтириб чиқарган.

“Манoқиби Хожа Аҳрор”да Султон Аҳмад мирзо тилидан қуйидаги ҳикоя келтирилади: “Бир куни камхаржлик туфайли катта (молиявий) қийинчиликка дучор бўлдик. Биз амирлар билан маслаҳатлашиб, аҳолига дах йаздах (солиғини) солишга қарор қилдик. Менинг ўйимга келдики, мободо Ҳазрати Эшонга бу ҳақда хабар бермасак, ул зот биздаги қийинчиликлардан воқиф бўлмай қолади ва (солиқни) таъқиқлаб қўяди”. Шу пайт Ҳазрати Эшоннинг мулозимларидан бири мавлонозода эшикдан кириб келди ва айтдики, Хожадан сизларга ҳаражатларингиз учун бир мунча маблағ олиб келдик. Ҳисоблаб кўрсак, 10 минг кумуш танга (1 танга 24 динорга тенг), 240 минг кумуш динор чиқди. Натижада аҳоли қўшимча дах йаздах (яъни ҳосилнинг 10%) солиғидан озод бўлди.

“Манoқиби Хожа Аҳрор”да ёзилишича, Умар Шайх мирзо Тошкент аҳолисига навбатдаги солиқни солганида, уни тўлашга халқнинг қурби етмас эди. Ўша оғир ҳолатни сезган Хожа Аҳрор бир йиллик солиқ тўловини – 25 минг динорни, кейинроқ қўшимча тарзда 70 минг динорни тўлаб, халқнинг дардига малҳам бўлди.

Тариқатда, айниқса, унинг маърифат босқичида жавонмардлик (футувват) алоҳида ўрин тутади. Унда сўфийнинг саховати, мурувватлилиги, ҳар қандай савобли ишни сидқидилдан бажариш туйғуси кучли бўлиши назарда тутилади. Шу боис Хожа Аҳрор ҳар қандай қора ишлардан жирканмаган, чунончи, зироат, деҳқончилик билан машғул бўлиш унга жисмоний бардамлик, руҳий ҳаловат бахш этган. Ул зот бирон бир ишга қўл урсалар, сидқидилдан бажарар, айниқса, эл-улус манфаатини кўзлар эдилар.

Хожа Аҳрор ўз мулкларини бошқаришни маълум шартлар асосида мартабали кишилар қўлига топширган. Ўз навбатида, улар юзлаб ижарачи деҳқонлар меҳнатидан фойдаланишган. Ҳазрати Эшон ишончли одамларига катта имтиёз ва ҳуқуқлар берган.

Абу Тоҳир хўжа “Самария”да: “Хожанинг эшигидаги (хўжалигидаги) хизматкорларга қарши озгина одобсизлик қилган киши давлат ва мамлакатдан, балки тириклик ва соғлиқдан ажралиб, замонанинг ибрати бўлур экан”,- деб ёзади. Демак, Хожа Аҳрор ўз тасарруфидаги барча кишиларни ҳар қандай тазйиқдан ҳимоя қилган. Бу ҳақда “Рашаҳот”да келтирилган қуйидаги ҳикоя ибратлидир: “Бир маротаба Ҳазрати Эшон Қаршига борган эдилар. У ерда Қора Аҳмад исмли туячи арабга дуч келди. Туячи кўп марта таъзим қилиб ва йиғлаб хўжайини Саид Аҳмад Сардаха устидан шикоят қилди... Хўжайини унга кўп заҳмат етказибдир. Хожа унга етган дил дардидан кўнгли, қалби, вайрон бўлиб таъсирланган”. Хожа Аҳрор назаридан қолган Саид Аҳмад бир ҳафта ўтгач, оғир касалликка чалиниб вафот этган.

Эшон ҳазратлари ҳамиша меҳнат ва машаққатни ўзига ихтиёр қилар, ўзгаларга саховатли, мурувватли бўлишни тарғиб этардилар. “Эшон ҳазратлари бирон-бир жойда толиби илм бор деб эшитсалар ёки кимнингдир бетоблиги ҳақида хабар бўлса, тез таъсирланиб, ўшаларга ёрдам беришга интилар эдилар. У зот ўз яқинларини ўша

кишининг истиқболига жўнатиб, унинг ҳолатидан бохабар бўлардилар. (Мушкул аҳволга тушган) кишиларнинг тирикчилиги учун керакли бўлган харажатлар миқдорини аниқлаб, ўз номидан зарур қисмини ажратиб, доимо ёрдам кўрсатиб турилишини тайин қилар эдилар". Мана шу ўринда Хожа Аҳрорнинг "Масмуот"да келтирилган қуйидаги сўзларини келтириш фойдадан холи бўлмас: "Бирон азиз дўстимиз хаста бўлса, ҳиммат билан унга мадад бериш жуда яхши хислатдир. Мадад кўрсатиш икки хил бўлади. Биринчи навъи шундайки, унда ҳиммат тўла сарф қилинади, (натижада) мараз (касаллик) муртафиъ (кўтарилган) бўлади. Иккинчи навъи шундайки, касаллик пайтида хотиранинг тарқоқлиги(паришонлигини)ни жамлашда мурувват даркор". Беморга яхши сўзлар билан тасалли бериш ҳикмати ўша даврдан қолган бўлса ажаб эмас.

Шу ўринда Хожа Аҳрор Валийнинг яна бир хайрли ишига тўхталишни зарур деб биламиз. Муҳаммад Қозининг "Силсилат ул-орифин" асарида ҳикоя қилинишича, 1489 йилда Туркистонда даҳшатли қаҳатчилик ва очарчилик содир бўлган. Бу нохуш хабарни эшитган Хожа Аҳрор Тошкентга охирги маротаба келиб, қаҳатчиликка мубтало бўлган халққа мурувват кўрсатади. Ўша йилнинг кузида ҳар куни сўйилган еттита қўй гўшти ва етти юзта нонни Муҳаммад Қозининг шахсан ўзи ночор аҳволга тушганларга тарқатган. Бунинг устига Тошкент атрофларидаги қишлоқларда етиштирилган ва Хожага тегишли бўлган қовун ва бошқа полиз маҳсулотлари ҳам тарқатилган. Халққа тарқатилган ўша эҳсонларнинг боришини шахсан Хожа Аҳрорнинг ўзи назорат қилиб турган.

Хожа Аҳрор сийратидаги саховатлилик ва мурувватлилик хислатларига ҳамоҳанг бўлган бошқа фазилатлари ҳақида ҳам қисқача сўз айтишни жоиз билдик. Ундаги яна бир фазилат таъмадан жирканиш, туҳфа олмаслик эди. Шу жиҳатдан "Рашаҳот"да келтирилган қуйидаги лавҳа эътиборга лойиқдир. Хожагон тариқатига мансуб мавлоно Аҳмад Коризий алайҳирраҳма мавлоно Саъдиддин Қошғарий таълим олган эдилар. Устознинг вафотларидан сўнг, Хожа Аҳрорга ихлос қўйиб, оқ жундан тўқилган чакмон ва бошқа сарполарни туҳфа қилиб Самарқандга юборади ва шу кийим-кечакларни кийиб юришларини Эшон ҳазратларидан илтимос қилади. Хожа Аҳрор Валий кийимларга муборак назарини ташлаб: "Бу кийимларни кийсак бўлур, чунки улардан дўстлик ҳиди келадур",- дейдилар. Лекин бутун умри давомида ҳеч кимдан бирон нарса қабул қилмаслик ҳақидаги одатига амал қилиб, эгасининг иззат-нафсига тегмайдиган тарзда, узр билан туҳфани қайтариб юборадилар.

Мана шу тарзда Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг саховати ва беадад мурувватлари, ажойиб фазилатлари ҳақида фикр юритдик. Истиқлол мафкураси ғоялари ёшларимиз орасида кенг тарғиб қилинаётган ҳозирги шароитда Хожа Аҳрор Валий каби улуғ зотларнинг меҳр-мурувват, саховат хислатлари аждодларимиз тарихида чуқур илдиз отганлигидан далолат беради.

Андижон Давлат университети,
2009 йил 12 январда қабул қилинган